ТАШҚИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Исраилова Дилфуза Каримовна

Андижон машинасозлик институти
"Иқтисодиёт" кафедраси доц. и. ф. н.

Аннотация: Ушбу мақолада меҳнат миграциясининг қабул қилувчи ва юборувчи жамиятларга таъсирининг оқибатлари ва самараси, чиқувчи ва қайтиб келадиган меҳнат мигрантлари оқимларининг донор мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини тартибга солишда давлат органларининг роллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Ташқи меҳнат миграцияси, миграция кўлами, норасмий миграция, ишчи кучи экспорти, миграция сиёсати, донор мамлакат, реципиент мамлакат, миграцияни иқтисодиётга таъсири, меҳнат миграциясини тартибга солиш методологияси.

Аннотация: В данной статье показаны последствия и результаты воздействия трудовой миграции на принимающие и отправляющие общества, роли государственных органов в регулировании влияния потоков выезжающих и возвращающихся трудовых мигрантов на социально экономическое положение стран-доноров.

Ключевые слова: Трудовая миграция, масштабы миграции, экспорт рабочей силы, миграционная политика, страна донор, страна реципиент, влияния миграции на экономику страны, методология государственного регулирование трудовой миграции.

Annotation: In this article,, the consequences and effects of labor migration on receiving and sending societies, and the roles of state bodies in regulating the impact of outgoing and returning migrant labor flows on the economy of donor countries are shown.

Keywords: External labor migration, the scale of migration, informal migration, labor force export, migration policy, donor country, recipient country, the impact of migration on the economy, the methodology of regulating labor migration.

Кириш

Глобаллашув жараёнлари турли жамият ва инсонлар ҳаёт фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Дунё иқтисодиётининг барча жабҳаларида, шу жумладан меҳнат бозорида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бундай холат меҳнат миграцияси жараёнларининг ҳам янгича намоён бўлишига олиб келади. Бирлашган миллатлар ташкилоти келтирган маълумотларига кўра, мигрантлар сони 2020 йил якунига келиб 281 млн.кишидан ошди. Уларнинг 48% аёллар, 52 % эркаклардан иборат бўлиб, мигрантлар умумий сонининг 12% дан ортиғини 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил қилмоқда. [1]

Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини иш билан бандлик масалаларини оқилона ҳал этиш орқали унинг иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш

шароитларига мутаносиблигини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини амалга ошириш борасида бир қатор чора–тадбирлар олиб борилмоқда. Республикадан меҳнат мигрантларини қабул қилувчи мамлакатлар билан юқори даражада келишувга эришилганлиги, мамлакатга келаётган валюта оқимларининг ошиб бораётганлиги, меҳнат миграциясини самарали ташкиллаштиришга қаратилган меъёрий ва ҳуқуқий хужжатларнинг такомиллаштирилганлиги кўрилган чора-тадбирларнинг натижаси бўлди. Шу билан бирга жаҳонда бўлаётган турли хавф – хатарлар айрим ижтимоий –иқтисодий муаммоларнинг кескинлашишига олиб келдики, улар маълум маънода Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси жараёнларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ва самарали миграция сиёсатини олиб бориш"га алоҳида эътибор қаратилган. [2]. Шу боисдан меҳнат миграциясини тартибга солиш борасидаги масалаларни комплекс тадқиқ этиш муҳим илмий–амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар тахлили

Кейнсчилик асосчиси Дж.Кейнс ўз тадқиқотларида меҳнат мобиллигининг такомиллашмаганига, ишсизликнинг меҳнат миграциясига таъсирига эътиборини қаратган. Бозор иқтисодиёти давлат томонидан тартибга солинишига муҳтожлигини, ва халқаро ишчи кучи миграцияси натижасида жаҳон меҳнат бозорида зиддиятли миллий манфаатлар тўқнашуви юзага келишини таъкидлаган. [3]

Аҳоли миграцияси иқтисодий, демографик, ижтимоий ва сиёсий ахамиятга эга бўлган чиқариш ва қабул қилиш омилларининг йиғиндисидан иборат, деган ғоя катта мунозарага сабаб бўлди. Ушбу ёндашувга францияли олим Е.Леенинг XX асрнинг 60 - йилларида яратган назарияси асос қилиб олинган. [4] Унга кўра, иқтисодий, демографик, ижтимоий характерга эга бўлган чиқариш ва қабул қилиш омилларининг ҳаракатига асосланадиган жараён миграция жараёнидир. Ушбу назарияга мувофиқ инсон миграция ҳақидаги қарорни турли рағбатлар, мотивлар таъсири остида қабул қилиш асосланган. Аҳолининг давлатлараро жойлашуви сабаблари давлатларнинг қай даражада ривожланганлигини инобатга олишга ҳам таъсир кўрсатади.

Иқтисодчи олим Ж. Хикснинг фикрича, мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг нотекис тақсимланган омиллари бошқа мамлакатлардаги иш ҳақи тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли маълумотларга асосланган ходимни уларда ишлаш истиқболларини баҳолашга мажбур этувчи ҳақ тўлаш даражасидаги фарқларга сабаб бўлади. Миграция ҳаракати иш ҳақи даражасини тенглаштириш ва жаҳон меҳнат бозорини барқарорлаштиришга кўмаклашади. У

ишсизлик муамолари, кўчиб ўтиш харажатларини ҳисобга олиш миграцияни тартибга солишга ёрдам беришини, миграцияни рағбатлантириш учун ишлаб чиқариш омилларини ривожлантиришга урғу бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. [5]

XX асрнинг 60 – 70 йилларида фаол ривожланган неоклассик (монетаристик) макро ва микроиқтисодий назария тарафдорлари М. Фридман ва П. Самуэльсон қарашларига кўра, халқаро миграциянинг ҳаракатлантирувчи механизми меҳнат бозори бўлиб, у турли мамлакатларда иш ҳақининг турли даражалари билан тавсифланади. Юқори иш ҳақи тўлайдиган мамлакатлар мигрантларни ўзига жалб этади. Иш ҳақидаги фарқларни бартараф этиш миграция оқимларини тўхтатади ва меҳнат бозорига таъсир этиш орқали миграция оқимларини тартибга солишга имкон туғилади. [6]

Меҳнат миграциясини таҳлил этишда инсон капиталининг мамлакат иқтисодий ўсишининг эндоген омилини тадқиқ этган олимлар (Р. Лукас, П. Ромер ва бошқалар) жамланган инсон салоҳияти иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили, халқаро иқтисодий миграция мамлакатлар ўртасида иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқлар натижасидир деган хулосага келганлар. Бунда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишнинг эндоген механизми сифатида инсон капиталининг жамланиши намоён бўлади. Халқаро меҳнат миграцияси мигрантларда инсон капитали жамғарилишига ёрдам беради. *Э.П. Плетнев ва Ж. Джонстон меҳнат миграциясини жа*ҳон меҳнат бозори билан боғлайдилар. *Уларнинг фикрича, жа*ҳон меҳнат бозори ҳудудий чегараларни аниқ белгиламаган, уларни доимий равишда қайта ишлаб, ишчи кучи экспорти ва импорт натижасида шаклланган ва фаолият кўрсатмоқда. Меҳнат бозори дунёнинг турли минтақаларида ҳорижий меҳнатга бўлган талаб ва таклифни, иш ҳақи даражасини белгилайди, шунингдек, демографик, сиёсий ва бошқа жараёнларда жаҳон динамикасини шакллантиради. [7]

Янги халқаро иқтисодий тартиб мактаби вакиллари (Д. Бхагвати, В. Бенинг ва бошқалар) илгари сурган концепцияда - ҳорижий ишчи кучидан фойдаланиш учун иммиграция ривожланган мамлакатлар томонидан юқори малакали кадрлар учун "янада тўлиқ ва адолатли компенсация механизми"ни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Асосий эътибор ҳорижий ишчи кучини таклиф қилишга ва хатто вақтинчалик ишчи кучи миграцияси бўлса ҳам, қабул қилувчи мамлакатда унинг ҳаракати ва ишлатилиши билан боғлиқ бўлган барча харажатларни қоплашга қаратилади. [8]

Халқаро меҳнат алмашинуви бўйича мутахассис, рус иқтисодчиси Ю.А.Яновский ишчи кучи экспортидан меҳнат мигрантининг ўзи учун келадиган фойдани қуйидагича тавсифлайди: у ўзини ва оиласини моддий жиҳатдан таъминлайди, демак, мамлакат бойийди, соҳаси

буйича ўзини малакали деб ҳисоблайди ёки меҳнат бозорида (ўз юртида ва ҳорижда)талаб қилинадиган у ёки бу мутахассислик бўйича қайта тайёрловдан ўтади, мамлакатнинг солиққа тортиладиган базасини кенгайтиради. [9]

Россиялик иқтисодчи олим В.Б. Супяннинг ҳисоб китобларига кўра, меҳнат миграцияси мигрантни қабул қиладиган томон учун ҳам фойдалидир. У қўйидаги маълумотларни келтиради: 2016 йилда АҚШда 50,0 миллионга яқин иммигрантлар яшаган. Улар АҚШнинг ЯИМ га 2 трлн.доллар ҳажмда ўз ҳиссаларини қўшиб, улардан 329 млрд.долларни солиқ сифатида бюджетга қайтаришган. (унинг 1,1 млрд.доллари нолегал мигранталар ҳиссасига тўғри келади). Бу ҳисоб-китоблар иммигрантлардан, жумладан, меҳнат миграциясидан иқтисодий жиҳатдан фойда юқори эканлигини кўрсатади. [10]

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёритишда ташқи меҳнат миграция жараёнлари ва уни иқтисодиётга таъсири, миграция жараёнларини тартибга солишга йўналтирилган назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик ҳамда қиёсий таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий миграция жараёнлари уларнинг тобора интенсивлашиб бораётганлиги туфайли, кучли натижадор тавсифга эга. Улар замонавий жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатади, мавжуд ижтимоий воқеликка ўзгартиришлар киритади. Бу таъсир ҳам юборувчи, ҳам қабул қилувчи мамлакатларда яққол кўзга ташланади. Ҳозирги вақтда экспертлар ҳамжамияти ташқи меҳнат миграциясининг жамият ҳаётига таъсири бўйича ягона тасаввурини ва баҳолашни шакллантира олмади. Турли илмий мактаблар миллий хўжалик юритиш тизимида ҳориж ишчиларидан фойдаланиш ёки ортиқча меҳнат ресурсларини экспорт қилишнинг сўзсиз ижобий ёки салбий оқибатларини тасдиқлайди. Ҳорижий тадқиқотлар натижалари ҳам, масалан, фаол ҳорижий ишчи кучидан фойдаланаётган иқтисодиёт тармоқларида иш ҳақи даражасига меҳнат миграциясининг таъсири ёки юборувчи мамлакатларнинг иқтисодий ривожлантиришга пул ўтказмалари бу масалага аниқлик киритмайди.

Давлат бошқаруви нуқтаи- назаридан миграция сиёсати режалаштирган мақсадларга эришгандагина ижобий самаралар олиб келади. Масалан, юқори малакали мигрантлар оқимини биринчи ўринга қўядиган (АҚШ, Германия, Хитой фаол “ақлли бошлар” келишини рағбатлантиради) селектив иммиграция сиёсатида илмий–тадқиқот марказларида уларнинг улушининг ошиши бевосита ижобий, юқори илм-фан маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса билвосита ижобий натижа бўлади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, меҳнат миграцияси оқимини рағбатлантиришга ҳаракат қиладиган донор ва қабул қилувчи давлатлар турли мақсадларни, баъзан бутунлай қарама-қарши мақсадларни кўзлайдилар. Бу юқори малакали мигрантлар сегментида айниқса яққол намоён бўлади. Қабул қилувчи мамлакатлар учун бу оқим миллий инсон капиталини ривожлантиради, юборувчи мамлакатлар учун юқори технологияли ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалар фаолиятини издан чиқарадиган "ақлли бошлар"дир.

С.Адлер [11] ва Ю. Карлинг [12] ларнинг ёндашувларидан фойдаланган ҳолда меҳнат мигрантларининг кириш ва чиқиш мамлакатларидаги миграция сиёсатининг мақсадларини (миллий манфаатларини) таққослаймиз.(1-жадвал)

1- жадвал

Меҳнат мигрантларини юборувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг миграция соҳасидаги миллий сиёсат мақсадларини таққослаш

Параметр	Юборувчи давлат	Қабул қилувчи давлат
Мигрантлар сони	Нисбатан катта	Миллий меҳнат бозори эҳтиёжларига қараб
Оқим статуси	Расмий, норасмий	"Мослашувчан"
Ёши	Ёш, ўрта ёш	Ўрта ёш
Малака / таълим даражаси	Паст	Юқори
Иш ҳақи	Паст	Юқори
Касбий мобиллик даражаси	Паст	Юқори
Мигрантлар иштирок этадиган ишлаб чиқариш технологиялари даражаси	Ўртача	Юқори
Касбий тайёргарлик	Паст ва ўртача	Юқори

Манба: муаллиф томонидан С.Адлер ва Ю.Карлинг ёндашувлари асосида тўлдирилган ва кенгайтирилган.

Салбий оқибатлар миграция оқимларини нотўғри бошқарилган тақдирда ҳам пайдо бўлиши (масалан, мигрантларни жойлаштириш сиёсатининг йўқлиги, ҳудудий квоталаш этник геттолар шаклланишига олиб келиши мумкин) ва дастлаб прогноз қилинадиган бўлиши мумкин, чунки миграция оқими одатда, фойда ва харажатларни юзага келтиради. Масалан, хориждан қайтган ишчи кучи давлатнинг бизнесни ривожлантиришга қиладиган харажатларини сезиларли даражада камайтиради, шу билан бирга башорат қилинган турли ижтимоий муаммолар (чиқимлар)ни ҳам келтиб чиқаради. Бу ҳолатда давлатнинг вазифалари доимий мониторинг ёрдамида бу муаммоларни

эрта аниқлаш ва турли маъмурий механизмлардан фойдаланиш орқали ушбу харажатларни минималлаштиришдан иборат бўлади.

Меҳнат миграциясининг иқтисодий самаралари деб, биз турли ташкилотлар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва уй хўжаликлари томонидан хорижий ишчи кучидан фойдаланганда пайдо бўладиган давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тўғридан-тўғри ва билвосита, ижобий ва салбий тенденциялари ва қонуниятларини тушунамиз. Ушбу тадқиқот доирасида донор ва реципиент мамлакатлар иқтисодиёти учун самара ва оқибатлар биз учун катта қизиқиш уйғотади.

Ҳам қабул қилувчи, ҳам юборувчи мамлакатлар учун меҳнат миграциясининг оқибатларини тўлиқ ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги, биринчидан, салбий тенденцияларни аниқлайдиган, иккинчидан, уларнинг интенсивлиги ва шиддатини ўлчайдиган кўрсаткичлар тизимини яратиш зарурлигини тақозо этади. Ушбу оқибатлар қанчалик пухта тахлил қилинса, миграциянинг иқтисодиёт ривожига таъсирини баҳолаш шунчалик кенг қамровли ва аниқ бўлади.

Меҳнат миграциясининг қабул қилувчи ва юборувчи жамиятларга таъсирининг оқибатлари ёки самаралари ҳар хил. Бундан ташқари, чиқувчи ва қайтиб келадиган меҳнат мигрантлари оқимларининг донор мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини таъкидлаш зарур. Бир томондан, қайтиб келганлар чет элда сотиб олинган технологиялар ва олинган малакаларини, шунингдек, ўз корхоналари ва фирмаларини очиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшиши мумкин. Бошқа томондан, улар миллий меҳнат бозорига ва бутун ижтимоий соҳага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, хориждан пул ўтказмалари оқими ҳар бир қайтарувчи билан камаяди.

Миграция оқибатларини истиқболини аниқлаш зарурати XX асрнинг ўрталарида, айрим ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австралия ва бошқалар) мигрантларнинг катта оқими билан келиш муаммосига дуч келганда пайдо бўлди. Миграция оқимларини бошқариш зарурати бир томондан, мавжуд миллий миграция сиёсатини ислоҳ қилишга олиб келди, бошқа томондан эса мигрантларни экспорт қилувчи ва импорт қилувчи мамлакатлар учун миграциянинг мумкин бўлган самара ва оқибатларини ўрганишни рағбатлантирди. [13]

Бевосита меҳнат миграцияси оқибатлари баён этилган биринчи асарлардан бири француз демографи А.Совининг “Умумий аҳоли назарияси” деб номланган китоб ҳисобланади. Унда муаллиф меҳнат миграциясининг юборувчи мамлакатлар демографик ривожланиши учун салбий оқибатларини кўрсатиб ўтади. Франциянинг асосий миграция донорлари ҳисобланган Мағриб мамлакатлари мисолида,

А.Совин меҳнат эмиграция интенсивлашуви ҳамда никоҳ ва оилавий муносабатларда салбий жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди. Хусусан, донор мамлакатларда муаллиф ажралиш кўрсаткичларининг ошиши, оила деформацияси ва туғилиш даражасининг пасайишини қайд этган. [14]

Шунингдек, иқтисодчи олим Э.П.Плетневнинг "Жаҳон хўжалигининг капиталистик тизимида халқаро ишчи кучи миграцияси" деб номланган китобини ҳам қайд этишимиз мумкин, унда юборувчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мигрантларнинг пул ўтказмалари таъсирига эътибор қаратилган. [15]

Замонавий ёндашувлар ўртасидаги фарқ шундаки, улар нафақат меҳнат миграциясининг оқибатлари/самараларини аниқлашни, балки уларнинг типологиясини ҳам таклиф қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, меҳнат миграцияси оқибатлари типологияси муаммолари хорижий олимларнинг асарларида етарли даражада акс этмаган. Миграция (шу жумладан меҳнат миграцияси) оқибатларига бағишланган хорижий илмий ишларнинг кўплигига қарамай бу ишлар, одатда, ўзига хос жиҳатларга (масалан, ишсизликка, иш ҳақига қўшиладиган ҳиссага, ижтимоий фондларга юклашга ва ҳоказоларга қаратилганлиги)ни қайд этишимиз мумкин ва уларда комплекс типология келтирилмаган. Шу билан бирга Россияда бир қатор олимлар (Рязанцев С.В, Колосницына М.Г,Суворова И.К, Лялина А.В, Раковская В.С,Соловьёва Н.Н, Туманова И.А. ва бошқалар) борки, улар тадқиқот доирасида меҳнат миграцияси оқибатлари ҳақида эмпирик маълумотлар массивини умумлаштирган, шунингдек ўз тадқиқотларини ўтказиб, унинг асосида ўз типологиясини ишлаб чиққан.

М.Г.Колосницына ва И.К.Суворовларнинг "Халқаро меҳнат миграцияси: назарий асослари ва тартибга солиш сиёсати"мақоласида донор ва қабул қилувчи мамлакатлар учун меҳнат миграцияси оқибатларини умумлаштиришга ҳаракат қилган.[16] Оқибатлари ижтимоий-иқтисодий соҳа учун ижобий ва салбийга бўлинган. Шу билан бирга, типология ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан соф шаклда боғлана олмайдиган бир қатор соф ижтимоий муаммоларни, масалан, "миллатлараро низолар" ни ҳам ҳисобга олинишини таъкидлайди. Муаллифлар қабул қилувчи давлат учун деярли салбий иқтисодий оқибатларни санаб ўтмаганлар. Истисно тариқасида "бюджет юкининг ошиши (айниқса, доимий миграция ва оилалар миграцияси ҳолатларида)" айтиб ўтилган. Мазкур ишда таъкидланишича "қабул қилувчи давлатлар учун миграция фақат яхшиликдир." Бироқ, бошқа иқтисодчи олимларнинг асарларида бу фикр баҳсли бўлиб, ҳорижий ишчи кучидан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсири ҳақида аниқ мисоллар келтирилган.

Меҳнат миграцияси оқибатларини энг батафсил типологияларидан бири С.В.Рязанцев томонидан таклиф этилган тасниф ҳисобланади. [17].

Муаллифнинг фикрича, миграция, хусусан меҳнат миграцияси баъзан ноаниқ оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. (1-расм.)



1-расм. Меҳнат миграцияси оқибатлари типологияси

Манба: Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

С.В.Рязанцев типологиясига кўра миграция оқибатларини макродаражада (мамлакат учун) ва микродаражада (мигрантлар ёки уй хўжаликлари учун) кўриб чиқилиши керак. Таъкидлаш жоизки, иккинчи жиҳат ўта долзарб, аммо унинг асарида микродаражадаги оқибатлар қисман кўриб чиқилган. Донор ва қабул қилувчи мамлакатлар учун оқибатлар тўртта блокка бўлинади: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва демографик, улар эса ўз навбатида ижобий ва салбийга бўлинади. Сўнг ҳар бир гуруҳ бўйича ўзига хос оқибатлар берилади. Мисол учун, муаллиф юборувчи мамлакат учун ижобий сиёсий оқибатлари "ҳукумат ва сиёсий оппозиция вакиллари сиёсатидан норози кишиларнинг кириб келиши", қабул қилувчи мамлакатлар учун салбий иқтисодий оқибатлари эса - "меҳнатни тежайдиган технологияларни жорий этиш

имкониятлари блокланиши"да намоён бўлади, деб таъкидлайди.

Биз тадқиқот доирасида С.В.Ряазанцев томонидан кўрсатилган юборувчи ва қабул қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига меҳнат миграциясининг оқибатларига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу муаллифнинг типологияси кўп салбий оқибатларни ўз ичига олади, бу эса меҳнат миграциясининг ноаниқ эканлигини яна исботлайди. Донор мамлакатлар учун оқибатларга тўхталиб ўтамиз. (2-жадвал).

2- жадвал

Юборувчи мамлакатлар учун меҳнат миграциясининг иқтисодий оқибатлари.

Ижобий оқибатлар	Салбий оқибатлар
Мигрантлардан (хориждан) пул ўтказмалари келиши ҳисобига ташқи тўлов баланси танқислиги камаяди.	Хориж талабига боғлиқлик нафақат товарларга, балки меҳнатга нисбатан ҳам ортиб боради.
Меҳнат бозори учун салбий оқибатларсиз меҳнатни тежайдиган технологияларни жорий этиш имкониятлари ошади.	Капитал қўйилмалари ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштиришдан истеъмолга йўналтирилади.
Маҳаллий саноат (асосан кундалик истеъмол товарларини ишлаб чиқариш) ва қурилишнинг айрим тармоқлари рағбатлантирилади.	Ташқи омиллар (чет элдан келадиган трансфертлар) ҳисобига миллий валютанинг қадри тушиши яъни, инфляциянинг ўсиши кузатилади
Хорижда иш билан таъминлашда воситачилик хизматлари (хусусий бандлик агентликлари) ҳисобида пул тушумлари ошади.	Мамлакат иқтисодиётининг хорижий пул ўтказмаларига боғлиқлиги
Меҳнат бозорида босимни камайтиради	Талабнинг ортиши туфайли уй-жойларнинг нархи асосий маблағ қўйиш воситаси сифатида ортиб боради.
Мигрантлар томонидан бизнес учун бошланғич капитални топиш	
Юқори малакага эга бўлиш	

Манба: Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

2 - жадвалда кўриб турганимиздек, муаллиф юборувчи мамлакатдан фақатгина хориждан пул ўтказмалари шаклида тўғридан-тўғри

дивиденд олишга эътибор қаратмайди. Иқтисодий оқибатлар билвосита бўлиши ҳам мумкин, масалан, айрим тармоқларда ўсишни рағбатлантириш ёки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш имконияти. Меҳнат миграциясининг оқибатлари юборувчи мамлакатларнинг турли локал бозорларида: меҳнат, капитал, уй-жой бозорларида намоён бўлади.

С.В.Рязанцев типологиясига кўра, қабул қилувчи мамлакатлар учун оқибатлар ҳам ноаниқ, бу хориждан иш кучидан фойдаланиш фақат ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлаш хато эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

3-жадвал

Қабул қилувчи мамлакатлар учун меҳнат миграциясининг иқтисодий оқибатлари.

Ижобий оқибатлар.	Салбий оқибатлар.
Мигрантларни керакли ҳудудларда жойлаштириш ҳисобига иқтисодиётда минтақавий силжишларнинг имкониятлари енгилашади	Меҳнатни тежайдиган технологияларни жорий этишга рағбат камаяди
Ишчи кучи харажатлари ва у билан боғлиқ умумий харажатлар камаяди	Ишсиз мигрантларга ижтимоий ёрдам учун сарф-харажатлар ортади
Ҳорижий ишчи кучининг маблағларни йиғишга мойиллиги туфайли нарх-наводаги ўзгаришлар	
Расман ишлаётган мигрантлар иш ҳақидан солиққа ва ижтимоий жамғармаларга тушумлар кўпаяди	
Мигрантлар томонидан уй-жой, коммунал хўжалиги хизматларига талаб ортади	

Манба: Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

Бироқ, бугунги кунда тадқиқотларда хорижий ишчи кучи оқимларининг ўсиб бораётган интенсивлиги қабул қилувчи ҳудудларнинг ижтимоий ва иқтисодий тизимларининг ҳолати ва ривожланишига бевосита узоқ муддатли таъсир кўрсатади ва бу самараларни ўрганиш жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади.

А.В.Лялина томонидан тавсия этилган оқибатларнинг типологияси алоҳида эътиборга лойиқдир. [18]. Муаллиф типологияси хусусияти сифатида қабул қилувчи ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли жиҳатларидан фойдаланади (2 -расм).

Иқтисодиёт учун қулай бўлган ишчи кучи сарфини камайтириш самараси билан биргаликда меҳнатни тежайдиган технологияларни

жорий этиш секинлашиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, иккинчи оқибат юборувчи мамлакатлар учун қарама-қарши бўлиши, яъни меҳнат миграцияси асосий фондларни модернизацияланишига олиб келиши мумкин.

2-расм. Қабул қилувчи мамлакат учун ҳорижий ишчи кучидан фойдаланиш оқибатлари.

Манба: Лялина А.В. Теоретические подходы к моделированию последствий трудовой миграции для принимающей мигрантов территории. / Региональные исследования, № 2 (52), 2016. – с. 70.

А.В.Лялина донор мамлакатларнинг меҳнат ресурсларига эътибор бермасдан, фақат қабул қилувчи мамлакатларга эътибор беради. Муаллиф таъкидлаганидек: “қабул қилувчи ҳудуд учун меҳнат миграцияси оқибатларига бағишланган асарларнинг кўплигига қарамай, илмий ҳамжамият унинг таъсир кўрсатиш табиати ва чегаралари бўйича ягона фикрга келгани йўқ”.

Фикримизча, донор мамлакатлар учун меҳнат миграциясининг салбий оқибатларини ёритишда нафақат иқтисодий томонларини (катта ташқи трансферт мавжуд бўлган тақдирда инфляциянинг ўсиши мумкинлиги, инсон капиталини йўқотиши (давлат ва оиланинг унга сарфлаган ҳаражатларнинг йўқотилиши), “Ақлнинг кўчиши", энг малакали ходимларнинг чиқиб кетиши ва натижада технологик жиҳатдан орқада қолиши, балки ижтимоий томонларини ҳам инобатга

олиш мақсадга мувофиқ.

4-жадвал

Меҳнат миграциясининг самараси ва оқибатлари

Мамлакатлар	Самара	Салбий оқибатлар
Донор мамлакати (эмиграция мамлакати)	Маҳаллий меҳнат бозорида кескинликни камайиши.	"Ақлнинг кўчиши", энг малакали ходимларнинг чиқиб кетиши ва натижада технологик жиҳатдан орқада қолиши
	Ишсизлик даражасининг пасайиши (ва / ёки иш ҳақи ўсиши).	
	Ишсизлик нафақалари ва бошқа бюджет харажатлари (таълим, соғлиқни сақлаш) туфайли бюджет	Катта ташқи трансферт мавжуд бўлган тақдирда инфляциянинг ўсиши мумкинлиги.
	Мигрантларнинг трансфертлари ҳисобига аҳоли даромадларининг ўсиши.	Инсон капиталини йўқотилиши (давлат ва оиланинг унга сарфлаган ҳаражатларининг
	Трансфертлар ҳисобига ички бозорда товарлар ва хизматларга талабнинг ўсиши.	Оила деградацияси, ижтимоий муҳитнинг заифлашуви
	Чет элда тажриба орттирган ва таълим олган малакали ишчиларни қайтариш имконияти ("бепул").	
	Камбағалликни қисқариши	
Қабул қилувчи мамлакат (иммиграция мамлакати)	Иқтисодиётда меҳнат ресурсларининг ўсиши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши, ялпи даромад ва ялпи талабнинг ўсиши.	Бюджет юкининг ошиши (айниқса, доимий миграция ва оилалар миграцияси ҳолатларида).
	Меҳнат бозорида таркибий номутаносибликларни бартараф этилиши	Ижтимоий кескинлик, миллатлараро низоларнинг ўсиши
	"Миллатнинг қариши" (айниқса, оилалар миграцияси) муаммоларининг юмшаши.	Ноқонуний иммиграция ва у билан боғлиқ бўлган оқибатлар (шу жумладан, житноятчиликка оид).
	Янада паст меҳнат учун нарх ҳисобига маҳсулот рақобатбардошлигининг	
	Хорижий ишчиларнинг маблағ йиғиш бўйича юқори мойиллиги туфайли инфляция секинлашиши	
	Пенсия ва бошқа ижтимоий нафақаларни тежаш (вақтинчалик миграция ҳолатида).	
	Таълим харажатларини тежаш (малакали ишчиларни жалб қилиш	

Муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги донор ва қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига меҳнат миграцияси таъсирини ўрганишга бағишланган таҳлиллар

асосида қуйидаги типология таклиф этилади:

Биринчидан, меҳнат миграциясининг оқибатлари типини, яъни донор мамлакат ёки ишчи кучини қабул қилувчи мамлакат учун оқибатларни аниқлаш керак. Оқибатлар тури - келиб чиқиши ўхшаш бўлган оқибатларни битта асосий белги – ишчи кучи келиб чиққан ёки жойлашган мамлакатга бўлган муносабатлар асосида бирлаштирувчи таксономик категориядир.

Иккинчидан, оқибатлар синфини ажратиш керак. Оқибатлар синфи деганда оқибатлар типини тавсифловчи катта белги доирасида битта белги асосида аниқланган миграциянинг энг юқори таксономик категорияларидан бири тушунилади. Бундай ҳолда бу белги самараларнинг намоён бўладиган даражаси бўлади, унга кўра макродаражадаги оқибатлар ва микродаражадаги оқибатлар фарқланади. Шундай қилиб, донор мамлакатларда микродаражадаги оқибатлар аъзоси (ёки аъзолари) меҳнат миграциясини амалга оширган уй хўжалиги ичида намоён бўлади. Донор мамлакатлардан фарқли ўлароқ, қабул қилувчи мамлакатлар микродаражада мигрант, мигрантни ёлловчи резидент фирма, шунингдек резидент шахс ёки резидент уй хўжаликлари учун оқибатларни кўриб чиқадилар.

Учинчидан, кейинги таксономик бирлик сифатида оқибатлар тартибини ажратиш таклиф этилади. Тартиб синф доирасида у ёки бу белги асосида ажратилган ва давлат ривожланишининг муайян соҳаси учун оқибатларни акс эттирувчи таксономик категориялардан биридир. Мавжуд ёндашувлар доирасида меҳнат миграциясининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, демографик ва маданий соҳалар учун оқибатларини ажратиб олиш лозим. Шунингдек, микродаражада, мигрантлар ва уй хўжалиги аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда психологик ва физиологик ҳолати учун оқибатларни алоҳида ажратиш керак.

Тўртинчидан, оқибатларнинг хиллари - ўхшаш оқибатлар турларини бирлаштирувчи кичик турдаги таксономик оқибатлар категорияси каби тоифани фарқлаш лозим. Тадқиқотимиз доирасида меҳнат миграциясининг иқтисодий оқибатлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Донор ва қабул қилувчи мамлакатлар учун иқтисодий оқибатлар хилларининг қуйидаги типологияси таклиф этилади:

- меҳнат бозори учун оқибатлар;
- инсон капитали ривожланиши учун оқибатлар;
- товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун оқибатлар;
- молиявий соҳа ва давлат бюджети учун оқибатлар;
- ташқи иқтисодий фаолият учун оқибатлар.

Бешинчидан, оқибатлар тури тоифасини алоҳида ажатиш лозим. У ижтимоий воқеликнинг муайян жиҳатини ўзгартирувчи ҳодисанинг хусусиятини бевосита белгиловчи оқибатларнинг оддий бирлигини

ўзида намоён этади. Оқибатларнинг фақат икки тури мавжуд: ижобий ва салбий. Меҳнат миграцияси таъсирида содир бўладиган ижтимоий воқеликдаги ҳар бир ўзгариш таъсир кўрсатиш тавсифига мос равишда аниқланиши лозим. Кейинчалик бу ҳодиса (оқибатлар) нинг тарқалиш кўлами ва тезлигини ҳамда интенсивлигини тегишли индикатор ва кўрсаткичлар ёрдамида ўлчаш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, оқибатларнинг турлари ҳодисанинг қисқа муддатли, узоқ муддатли, ўрта муддатли давомийлиги асосида гуруҳларга бўлиниши мумкин. Намоён бўлиш даражасига кўра гуруҳлаш ҳам мумкин: очиқ ва яширин оқибатлар. Бундан ташқари, оқибатлар давлат бошқаруви нуқтаи назардан бошқариладиган ва бошқарилмайдиганга бўлинади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларимиз доирасида меҳнат миграциясиинг мигрантларни юборувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини тахлил қилиш методологиясини ишлаб чиқишда асосий ёндашувлар таҳлили амалга оширилган ҳамда асосий методологик хусусиятлари аниқланган. Методология оқибатларини типларга (донор мамлакат ёки ишчи кучини қабул қилувчи мамлакат учун оқибатлар), синфларга (микродаражадаги оқибатлар ва макродаражадаги оқибатлар), тартибга солиш нуқтаи назаридан(макродаражада: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, демографик ва маданий соҳалар учун оқибатлар; микродаражада: мигрантлар ва уй хўжалиги аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда психологик ва физиологик ҳолати учун оқибатлар), хилига (меҳнат бозори учун оқибатлар; инсон капитали ривожланиши учун оқибатлар; товар ва хизматларни ишлаб чиқариш соҳаси учун оқибатлар; молия соҳаси ва давлат бюджети учун оқибатлар; ташқи иқтисодий фаолият учун оқибатлар)га кўра гуруҳлашни ўз ичига олади. Унинг хилига муайян оқибатлар турлари киради.

Ушбу оқибатларни ўрганиш натижасида меҳнат миграциясининг иқтисодий ривожланишга таъсирини ўрганишнинг қуйидаги услубиётини таклиф қилиш мумкин.
(3 -расм).

Биринчи босқич - меҳнат миграциясининг иқтисодий ривожланишга таъсирининг салбий ва ижобий оқибатлари спектрини аниқлаш, оқибатларнинг типологик матрицасини яратиш.

Иккинчи босқич - оқибатларнинг типологик матрицаси асосида меҳнат миграциясининг иқтисодий тараққиётга таъсирини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш. Учинчи босқич - тизимнинг ҳар бир кўрсаткичини ҳисоблаш учун зарур бўлган бирламчи статистик маълумотларни йиғиш учун масъул бўлган муайян ижро этувчи ҳокимиятни аниқлаш ҳисобланади (миллий миграция хизмати, миллий

меҳнат ва аҳолини банд қилиш органи, миллий статистика хизмати, миллий банк, миллий иқтисодиёт вазирлиги, миллий солиқ хизмати, миллий чегара хизмати).

Тўртинчи босқич - давлат органига бирламчи статистик маълумотларни тўплашнинг ўзига хос усулини (жорий ҳисоби, танлов социологик сўровлари, "умумий маълумотлар"таҳлили) бириктириш.

Бешинчи босқич - ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан олинган бирламчи статистик маълумотларга асосланган ишлаб чиқилган тизимларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш, қаторлар динамикасини тузиш ва жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш учун махсус ҳисоблаш қийматларидан фойдаланиш.

Олтинчи босқич - аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида рўйхатга олиш даврида олинган таҳлилий маълумотларнинг алоҳида кўрсаткичларини ҳисоблаш натижаларини назорат қилишни ташкил этиш.



3-расм. Меҳнат миграциясининг иқтисодий ривожланишга таъсирини ўрганишга услубий ёндашув босқичлари.

Муаллиф томонидан тузилган

Таклиф этилган услубий ёндашув ҳар бир таҳлилий индикаторни ҳисоблаш учун зарур бўлган бирламчи статистик маълумотларни

тўплаш ва бириктирилган усул асосида бирламчи маълумотларни йиғиш учун масъул бўлган муайян ижро этувчи орган ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлайди.

Бундай ёндашув меҳнат миграциясининг нафақат иқтисодий, ижтимоий, шу жумладан, демографик, сиёсий ва маданий соҳаларига таъсирини ўрганишда қўлланилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Доклад о миграции в мире 2020. https://publiclons. IOM In Migration, Международная организация по миграции (МОМ) .www.iom.int.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-60-сонли фармони. // www .lex. uz.
3. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег// Вопросы экономики / Пер. А.Лаптев. 1997. № 5. С. 213 -215.
4. Lee E. A Theoriy of Migration// Demography. – 1966 .-№ 3 . –P. 47-57..
5. Hicks J.R The Theory of Wages. L. 1963.Macmillan. P. 212-213.
6. Ионцев В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения. М.: Диалог-МГУ, 1999. С. 302-303.
7. Экономика народонаселения: Учебник / Под ред. проф. В.А. Ионцева. Инфра-М, М.: 2007. – с.438
8. Бхагвати Д. В защиту глобализации// Пер с англ . под ред. В.Л.Иноземцева. М.: Ладомир , 2005, стр 448.
9. Яновский Ю.А. Международный Конгресс “Евразия: занятость в XX I веке” Международный семинар по трудовой миграции. М: 2001
10. Супян В.Б. США: современная имиграция и экономика. Журнал “Россия и Америка в XXI веке”. № 1.2019 г. The Pozitive Economic impact of immigrants and immigration Mithbusters : Addressing Common Misconceptions/ URL: https: //www fwd us-cohntent/uploads/2018/04/Final-Misbusters-the positive-economic-impaict-of- immigration-1 pdf.
11. Adler S. International migration and dependence, Saxon House, Westmead, 1977.
12. Carling J. International labour migration: Consequences for countries of origin. Occasional Paper #21, Human Geography Department of Sociology and Human Geography University of Oslo, 1996.
13. Лялина А.В. Теоретические подходы к моделированию последствий трудовой миграции для принимающей мигрантов территории. / Региональные исследования, № 2 (52), 2016. – с. 66.
14. А. Сови. Общая теория населения. Т. I. Экономика и рост населения. Сокращенный перевод с третьего французского издания Ф. Р. Окуневой. Предисловие А. Я. Боярского. М.: Прогресс 1977. 503 с.

15. Плетнев Э.П. Международная миграция рабочей силы в капиталистической системе мирового хозяйства. Издательство ИМО, 1962 г.

16. Колосницыной М.Г. и Суворовой И.К. «Международная трудовая миграция: теоретические основы и политика регулирования» // Экономический журнал ВШЭ, №4, 2005 – с. 543-565.

17. Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

18. Лялина А.В. Теоретические подходы к моделированию последствий трудовой миграции для принимающей мигрантов территории. / Региональные исследования, № 2 (52), 2016. – с. 70.

19. Исраилова Д.К. Миграция жараёнларининг иқтисодий хавфсизликка таъсири методологияси//“Машинасозлик” илмий-техника журнали. Андижон, 2022. 5- сон. (Махсус сон), II том. -630 -639-б.

20. Israilova D.K. Социально – экономические аспекты экспорта рабочей силы// Colloquium-journal польский международный журнал научных публикаций. – Варшава, 2020. 3-сон №33 (85), стр 27-30.

21. Israilova D.K. The impact of remittances on the formation of human capital. Spirit time. Berlin, 2021, №5(41) ISSN 2522-9923 P 34-38.

22. Israilova D.K.Directions for improving state migration policy and uniformity/ Evrazian Jornal of Research, Development and innovation. Бельгия.Том.13 (2022): EJRDI. ISSN 2795-7659 P 28-32.